



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 22 октябр, жума № 148 (795)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига

БОТИР, БУЮК БАТАНПАРВАР

Инсоният тарихида урушлар кўп бўлган. Адолатли ва адолатсиз урушлар сифатида икки катта гуруҳга бўлинган бехисоб жанг жадаллари ичида тоғу тахт, юрт талашлари ҳам, элу юртини, киндик қони томган тупроқни ҳимоя қилиш учун жон нисор қилган инсонлар ҳам сон-саноксиздир. Бундай урушлар башарият тарихида сўнмас из қолдирган. Айниқса, халқ ўзини, юртини ҳимоя қилган қаҳрамонларни асло унутмайди.

Ана шундай ўлмас, шоир Шайхзода ибораси билан айтганда, «мангуликка тирик» қаҳрамонлардан бири Жалолиддин Мангубердидир. У ўзининг мардлиги, ботирлиги ва буюк ватанпарварлиги билан халқимиз қалбига мангулик қолди. Отаси, ҳатто саногига ҳам етиб бўлмайдиган қўшинга эга бўлган Хоразмшоҳ мўғул босқинчиларидан қўрқиб, юртини ташлаб қочганида, у, бир неча йилги билан қолган Мангуберди чингизийларга қарши курашга отланди. Жалолиддиннинг юртпарварлигини билган халқ унга эргашди. Натижанда Мангуберди мағлубият нималигини билмаган Чингиз хоннинг етти бора енгилган муваффақ бўлди.

Ўзига қарши чиқиб, у ёқда турсин, ҳатто номини эшитганда ҳам фотиҳларнинг тиззаси калтирайдиган Чингизхонни ҳам уч марта чекинишга мажбур қилган. Охириг жангда, ҳар доим бўлиб келганидек, сотқин юртфурушларнинг «беминнат хизмати» туйғайли ноилбоқ қолган Жалолиддин от устида тошқин дарёга сакраркан, унинг мардлигига тан берган енгилмас фотиҳ саналган Чингизхон «Шундай ўғли бўлган ота дунёда энг бахтли инсондир» деб тан олишга мажбур бўлган.

Саккиз юз йилдири, халқ ўз қаҳрамонини унутмайди. Саккиз юз йилдири, у қўшиқларда куйланади, афсона-ю ривоятларнинг қаҳрамонлигига айланган. Мангубердининг мардлиги, жасорати, ёвқур босқинчиларга қарши олиб борган тенгсиз курашлари тилларда дoston бўлган. Энг муҳими, Жалолиддин Мангубердига уни севган эли ўз қалбига мангу ҳайкал қўйган.

Шу кунларда нафақат Урганч, балки бутун мамлакатимиз катта тўй таратди билан яшашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан бу йил Хоразмшоҳлар сулоласининг буюк вакили - улуг саркарда ва давлат арбоби, Ватан озодлиги учун жонини тиккан Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланади. Мазкур сана муносабати билан Урганч шаҳрининг марказида улуг аҳдодимизга муносиб меъморий мажмуа тикланди.

Мазкур меъморий мажмуанинг муаллифи Полвонназар Сапаевнинг хурсандчилиги айниқса чексиз. Зеро, Шовт каналининг икки қирғоғи туташтирилди, бутун бир ансамбл яратилган муваффақ бўлди. Жалолиддиннинг маҳобатли ёдгорлиги пойга уч дарвозадан кириб келиш мумкин. Шарқона услубда қурилган марказий дарвозадан ўтганда, кишини ажиб тароват таратиб турган фавворалар қарши олади. Тўрда эса қўшни жанговар қилич дастасига қўйган Жалолиддиннинг улғувор ҳайкали қўр тўкиб турибди. Шовтнинг нариги бетидаги «Жайхун» меҳмонхонаси, болажонлар учун қурилган мўъжаз аквапарк, салобатли теннис корти бош майдонга ўзгача қўрқиб турибди.

Мангуберди каби мардлар мангу қуйлиниб келинган қўшиқлар, Жалолиддин ҳақидаги асарлар ҳам байрам кўни театрлаштирилган сахнада намойиш қилинади. Унда республикамизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Хоразмнинг ўзидан келган санъаткорлар иштирок этишади. Юбилей тантаналари тайёрлаганига Ўзбекистон Халқ артисти Рустам Ҳамидов раҳбарлик қилмоқда.

Юбилей арасида республикамиз олимлари буюк саркарда, юрт фидойисининг асл сиймосини халқимизга етказиш учун баракали меҳнат қилишди. Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги китоблар билан бир қаторда, Хоразм тарихига оид бир қанча илмий манбалар ҳам жамоатчилиққа етказилди. Атоқли озарбойжон олими Зиё Буниёдовнинг «Ануштагин - Хоразмшоҳлар давлати» китоби ўзбек тилида чоп қилинди. Юбилей тантаналари кўни қадим Хивада «Жалолиддин Мангуберди - Ватан ҳимоячиси» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилди. Дунёнинг қирққа яқин мамлакатидан олимлар мазкур анжуманда иштирок этиш хоҳишини билдирганлар.

Буюк ватанпарвар Жалолиддин Мангуберди юбилейига ўзини шу мустақил юрт фарзанди деб билган ҳар бир фуқаро ўз улушини қўшишга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, Мангубердининг киндик қони томган Хоразм ахли бу тантанани алоҳида хозирлик кўрмоқда. Жумладан, Иброҳим Сотимов раҳбарлик қилган бемисл қаҳрамон Жалолиддин Мангуберди номидаги жамоа ҳужалиги аъзоларининг юбилейга қўшган ҳиссаларини алоҳида эътироф этиш керак.

Юбилей муносабати билан мазкур жамоа аъзолари қирқ гектарли майдонда боғ ташкил қилишди. Шунингдек, жамоа ҳужалигининг марказий кўчаларидан бирига ҳам Жалолиддин Мангуберди номи берилди. Барча кўртакчилар бўйича илгорлик қўлдан бермай келатган жамоа аъзолари қишлоқ ҳужалиги соҳасида эришган ютуқларини буюк ватандошимизнинг юбилейига муносиб тўғфа деб ҳисобламоқдалар.

Темир ҚУРБОН,
Ақбар АЛЛАМУРДОВ,
«Ишонч» мухбирлари.

ЕХХТ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Шу кунларда мамлакатимизда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Мадлен Стрж-Уилкинс хоним раҳбарлик қилган «Эхтиёжларни баҳолаш миссияси» деб номланган бу мутахассислар гуруҳининг фаолияти Ўзбекистонда парламент ва президент сайловларига тайёргарлик жараёни билан танишиш, бу тадбирларга ЕХХТ кузатувчиларини юбориш имкониятларини ўрганишга қаратилган.

Мазкур делегация Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига ташриф буюрди. Меҳмонлар билан учрашувда комиссия раиси Н.Комилов Ўзбекистонда сайловларга тайёргарлик жараёни ҳақида сўзлади. Олий Мажлис депутатлиги ва Президентликка сайлов бўлиб ўтадиган саналар белгиланганидан буён комиссия томонидан амалга оширилган ишлар билан таништирди. Сайлов комиссиясининг биринчи гадаги вазифаси сайловларни ташкиллаштириш ва бу жараёнда сайлов тўғрисидаги қонунчиликка қай даражада риоя этилаётганини назорат қилиб боришдан иборат. Шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистонда бу вазифалар билан бир қаторда, сайловчиларнинг ҳуқуқий маърифатлигини ошириш, уларни сайловга оид қонунлар, ўз ҳуқуқ ва эркинликлари билан яқиндан таништириш борасида ҳам кўп-кўп тадбирлар амалга оширилмоқда. Марказий сайлов комиссиясининг бевоқиф раҳнамолигида барча номзодлар учун тенг шароит яратилмоқда. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази тўғрисида, бу ишга маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳам кенг жалб этилаётган. Олий Мажлис депутатлиги-

га сиёсий партиялар ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар томонидан илгари сурилган номзодлар билан бирга, ташаббус гуруҳлари илгари сурган номзодлар ҳам рўйхатга олинмоқда. Бугунга келиб, 260дан зиёд ана шундай гуруҳ расман рўйхатдан ўтган, жараён эса ҳали давом этапти.

Учрашувда меҳмонлар Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига юқори баҳо берди. Айтиш жоизки, бу биринчи эътироф эмас. ЕХХТ раҳбарияти Марказий сайлов комиссияси билан илгариги мулоқотлар чоғида, шунингдек, ўзaro ёзишмаларда Ўзбекистонда сайловларга хозирлик қўриш жараёнининг боришидан мамнуният изҳор этган.

Мулоқот чоғида ЕХХТ делегацияси аъзолари ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан афрофилача маълумот олди, томонлар ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш борасида фикр алмашди.

(ЎЗА)



«ЭКСПО ИТАЛИЯ - 99»



Тошкентдаги ЎзЭКСПО марказида Италия мамлакатининг технология ва ускуналари кўргазмаси очилди.

Суратларда: Кўргазмадан лавҳалар.

Д.ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

КУБОК ЭГАЛАРИ ЎЗГАРДИ

Бухорода ракета-модел спорти бўйича Ўзбекистон кубоги учун мусобақа бўлди, унда республикамиз вилоятларидан 12 команда иштирок этди.

«Кубок-96» эгалари - Бухоро вилояти спортчилари билан Тошкент шаҳри спортчилари ўртасидаги кураш жуда қизгин ўтди. Бу йил пойтахт спортчиларининг омади келди. Тошкентлик Р.Абдуразақов турнирнинг икки дастурида иккита олтин медални олишга муваффақ бўлди. Тошкентлик спортчилар жами бешта совринли ўринни эгаллаб, республика кубогини пойтахтга олиб кетишди.

Бухоролик спортчилар иккинчи, сирдарёликлар учинчи ўринни олишди.

«Пахта-99»

Бухоро вилояти Фижудовон тумани деҳқонлари қабул пунктларида 41 минг 560 тонна «оқ олтин» топшириб, пахта тайёрлаш шартномасини бажарди. Ялпи ҳосилни 46 минг тоннага етказишга қарор қилинди.

39 минг 660 тоннали хирмон уйган Бухоро тумани зафар маррасига етиб келди. Пахтакорлар шартномага қўшимча равишда 5 минг 340 тонна қимматли сановат хомашёси топшириш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Сирдарё вилояти Ховос тумани пахтакорлари қабул пунктларида 16 минг тонна «оқ олтин» топшириб, пахта тайёрлаш режасини бажарди. Ялпи ҳосилни ўн етти минг тоннага етказишга бел боғланди.

Андижон вилояти Избоскан тумани пахтакорлари 27 минг 500 тоннали «оқ олтин» хирмони уйиб пахта тайёрлаш шартномасини бажарди. Миришкорлар ялпи ҳосилни 30,5 минг тоннага етказишга бел боғлади. Жалолқуд тумани ҳам маррадуқ тумани ҳам маррадуқ етди. Қабул пунктларида 23,5 минг тонна қимматли сановат хомашёси етказиб берилди. Режага қўшимча 1 минг 880 тонна ҳосил топширишга қарор қилинди.

Самарқанд вилоятининг бир йўла икки тумани - Жомбой ва Окдарё туманлари маррага етди. Жомбойликлар қабул пунктларида 15 минг тонна, окдарёликлар эса 18 минг 240 тонна «оқ олтин» етказиб берди. Жомбой тумани пахтакорлари яна 1,5 минг тонна, Окдарё тумани миришкорлари эса 2 минг тонна ҳосил топширишга аҳд қилди.

ВАХШИЙЛИККА ҚАРШИ ҚАТЪИЙЛИК

Сўнгги вақтда халқаро терроризм деган тўшунчанинг пайдо бўлгани ва бу иллатнинг тобора кенгайиб бораётгани халқаро ҳамжамиятнинг қаттиқ хавотирга солинмоқда. Террорчилар ва уларнинг шериклари зўравонлик ва қўрқувчиллик йўли билан муҳим жинсонларни амалга оширмоқда. Шубҳасиз, энг муҳим жинсон бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкишидир. Дунё ҳамжамияти халқаро терроризмга қарши биргалликда курашиш орқалигина минтакавий ва дунёвий хавфсизликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш мумкин эканини тобора чуқур англаб етмоқда. «Халқаро террорчиларнинг отаси» номини олган судийалик миллиардер-қотил Усома бин Лоденнинг биринчи рақамли жиноятичи, деб эълон қилиниши ҳамда унинг одил суд ҳукмига топширилишига эришиш борасидаги ҳаракатлар ҳам шундан далолат беради.

Маълумки, Усома бин Лоден 1998 йилда Америка Қўшма Штатларининг Кения ва Танзаниядаги элчионаларини портлаштириб айбланмоқда. Ҳар икки қўрғувчиллик оқибатида 300га яқин бегуноҳ инсон ҳаётдан куз юмган, 4 мингга яқин киши жароҳатланган эди. Бундан ташқари, «халқаро террорчилар отасининг» муҳим жинсонларини санаб саногига эла олмайсиз.

Шу йилнинг 19 октябр кўни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши халқаро терроризмга қарши кураш чоралари бўйича махсус ҳужжатни маъқуллади. Бир неча кун

аввал эса мазкур Кенгаш томонидан «Толибон» ҳаракати-га қарши чекланган жазо ора-ларини қўллаш тўғрисидаги резолюция қабул қилинган эди. Резолюцияда қўрқатили-шича, халқаро террорчи Усо-ма бин Лоден Афғонистонда-ги «Толибон» ҳаракати паног-а остида бўлиб, ўзининг вах-шиёна жиноятларини айнан шу мамлакатдан туриб амал-га оширмоқда. БМТ Хавфсиз-лик Кенгашининг талабига кў-ра, «Толибон» 30 кунлик му-ддат ичида бин Лоденни одил суд қилиши мумкин бўлган давлатга топшириши керак. Акс ҳолда, «Толибоннинг» хо-рижий банклардаги барча ҳи-соб рақамлари ёпилади ҳам-да Қобула олиб борувчи бар-

ча халқаро аварейслар тўх-ташди.

Кўни кеча Америка Қўш-ма Штатлари Президенти БМТ Хавфсизлик Кенгаши-нинг халқаро терроризмга қатъий қаршилик қайфияти-ни намойиш этаётгани ҳам-да Усома бин Лоденни қўл-га олиш юзасидан «Толи-бон»га нисбатан асосли та-лабларни илгари сургани-дан мамнунлик изҳор қил-ди. Шунга ҳам айтиш керак-ки, Оқ уй маъмурияти шу йилнинг июл ойида Усома бин Лоденни яшириб тур-ган «Толибон» ҳаракати-га нисбатан бир томонлама жазо чораларини белгила-ган эди. БМТнинг бу чор-алар АҚШ белгиланган чо-ралар билан бир вақтда амалга оширилма болаши-га кўзда тутилган. Халқаро ҳам-жамият халқаро терроризм-га қарши чора қўришни ку-чайтирмаса бўлмаслигини ана шу хатти-ҳаракати бил-лан намойиш этмоқда. «То-либон» эса икки йилдан би-рини танлаш керак бўла-ди: ё вахшиликка қарши курашда дунё билан ҳам-корлик қилади ёки дунё-ни яққалаб қўяди.

Х.НУРИДДИН
(ЎЗА)

Тошкент аэропортида Халқаро бокс уюшмасининг президенти Анвар Чаудри журналистларга шундай деди.

- 1995 йилда бозор муносабатига ўтишдек қийин даврни бошдан кечираётган мустақил Ўзбекистон биринчи марта ХУИ Осиё чемпионатини ўтказди, унинг иштирокчилари мусобақалар юксак даражада ташкил этилганини ҳамон эслашади, - деди Анвар Чаудри. - Ҳозир эса Ўзбекистон теннис бўйича

«XX ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ УНУТИЛМАС ВОҚЕА БЎЛИШИГА ИШОНАМАН»

Ўзбекистон Президенти кубоги учун мусобақа. Мустақиллик кубоги учун кураш бўйича халқаро турнир каби нуфузли халқаро учрашувларни ўтказишда катта тажриба орттирди. Хуллас, Халқаро бокс уюшмаси XX чемпионатни ўтказиш учун Тошкентни танлаб, хато қилмади.

Бундан ташқари, XX Осиё чемпионати 19 мамлакатнинг 210 спортчисига меҳмондуст халқингиз билан яқиндан танишиш, дам олиш пайтларида гўзал Тошкентни томоша қилиш, унинг музейлари ва театрларини бориб қўриш имкониятини ҳада қилади.

Бокс бўйича XX Осиё чемпионати мухлисларга унутилмас учрашувларни совға қилишига аминман, чунки унда Ўзбекистон, Қозғистон, Филиппин, Таиланд ва Индонезия каби давлатларнинг энг кучли боксчилари иштирок этади.

(ЎЗА)

Ангор тумани ҳокимлиги диққатига

Мустақил Ўзбекистонимиз Марказий Осиё давлатлари ичида янги давлатлик ва фуқаролик жамияти барпо этишда ўзига хос йўлдан бориб, катта ютуқларга эришмоқда. Табиийки, республикада ўтадиган гадаги сайловлар миллий тармақийтимиз ҳамда демократиянинг ўзига хос намойиши бўлади. Лўнда ифодалганда, бу жараён - янги синов ва имконият давридир.

Ҳозирги жараёнда бутун жамият, ҳар бир фуқаронинг қатнашуви жуда муҳимдир.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, биз сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини осонликча қўлга киритганимиз йўқ. Тўғри, собиқ шўро давридаги Конституцияларда ҳам фуқаролар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга, деб ёзиб қўйиларди. Бироқ амалда сайловлар юқори партия идоралари томонидан тайинланган номзодга овоз бериш йўли билангина амалга оширилган, энг қулғилиси, ўша пайтдаги сайловда бир кишининг ўнлаб сайловчи ўрнига овоз беришига йўл қўйилган.

Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг рўёбга чиқишида ва жамият муаммолари-

рингизни қаратишни истардик. Улар таъмирланмаган. Керакли кўргазма-ли куруллар, адабиётлар билан тўла таъминланма-ган.

Туман марказидаги 2-ўрта мактабдаги 135-сай-лов участкасида. Кўп нарса айкаш-уйқаш бўлиб-ётибди. Қўринали ерлар-да «Еш педагоглар клуби»

ҲУВИЛПАГАН САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ

ҳужжатларидан тортиб Меҳнат муҳофазасига оид шиорлар, адабиётлар бо-ру, аммо сайловларга оид қўлланмалар кўринмайди. Радио, телевизор ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Хат-то, газеталарнинг янги сон-ларини йўқ. Ҳаммадан ҳам сайловлар тўғрисида ту-шунча берувчи адабиётлар, қонунлар, сайлов комис-сияси аъзолари, мазкур сайлов участкасидан нав-

тафоқулованинг таъкидла-шича, у амал-тақал қилиб-энг зарурий нарсаларни келтирибди.

- Агар сайлов участкаси намунали жиҳозланиб, му-тасаддилар ўз вазифала-рини сидқиқидан бажари-шиганида эди, бу ер ҳар оқшом, дам олиш кунлари гавжум бўларди, - дея фик-рини ифодалайди сайлов-чи Б.ЧОРОҚОВ. - Шахсан ўзим мустақил республика-

учун бўлса керак, бу мас-кан ҳувиллаб ётибди.

- Ҳар бир фуқаронинг сайлов орқали ўз хоҳи-шларини ифодалати ҳам аслида унинг давлатни бошқаришда фаол ишти-рок этишидир, - сўхтабга қўшилди иккинчи сайлов-чи. - Бунинг аҳамиятини ҳар бир сайловчи шуурга чуқур сингдириш лозим. Бирок, сайлов участкалари-миздаги мутасаддилар ўта

муҳим масалалар ҳозирча совуққонлик билан ёндо-шишмоқда. Фикримча, сай-лов участкасига кирган ки-шининг баҳри дили очили-ши керак. Киши рўҳини кў-тарувчи шиорлар, плакат-лар бўлиши шарт. Бирок оддий кўргазмали курул-ларни келтиришда ҳам сан-салорликка йўл қўйи-лаётганлиги кишини ажаб-лантиради. Сайлов участ-каси мутасаддилари сайловчилар билан алоҳи-да сўхбатлашишни йўлга қўйишса, масалан, у за-нининг сайлаш ҳуқуқини қай даражада билади, муста-қил фикрга эгами, Ўзе-бекистонимиздаги улғувор ишларни қай йўсунда ид-рок этапти, дарров маъ-лум бўлади-қўяди. Таас-суфки тарғибот, кенг ту-шунтириш ишлари оқсаёт-ганлиги мақсадга эри-шишда тўғаноқ бўлапти.

Биз айланган Ангор ту-манидаги сайлов участка-ларининг аксариятида узи-бўларчилик, ҳали вақт бо-ру қабилда иш олиб бо-рилаётганлиги яққол се-зилди. Уларнинг биронта-сида «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Конституцияси», «Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлисига сай-лов тўғрисида», «Ўзе-бекистон Республикаси Президентлигига сайлов тўғрисида»ги қонунлари кўрмадик. Туман ҳоким-лигининг ташкилий ва кадрлар бўлими мудири Жовли Шернаев эса юқо-ридаги кўнгилсиз манза-раларга асосий сабаб қилиб ажратилган маб-лаг етиб келмагани, дея изоҳламоқчи бўлди.

Ҳаётимиздаги бағоят муҳим, сиёсий воқеа бўл-миш сайловларга ҳар то-монлама пухта тайёргар-лик қўриш, уларни юксак савияда ўтказишга эри-шиш мутасадди раҳбар-ларнинг қимлигини, қан-дай салоҳият эгаси экан-лигини қатъий имтиҳон-дан ўтказди. Афсуски, бу оддий ҳақиқатни Ан-гор туманида ҳозирча ту-шуниб етмаётган кўрини-шади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Абдухалил Раззоковни муштарийлар яхши билдилади. Унинг каламига мансуб мақолалар жуда кўп га газета ва журналларда чоп этилган. Абдухалил ака бундай сермахсулликни истиклол саодати ва янги иқтисодий тизим шарофатидан кўради.

У салкам ўттиз йилдан бери Тошкент иқтисодий университетда ишлайди. «Иқтисодий тарих» кафедраси мудири, профессор. «Ўзбекистон халқ таълими аълочилиси». 24 та китоб ва рисола, 360 дан зиёд илмий мақолалар муаллифи. Муҳбиримиз яқинда муштарийларимизни қизиқтирган саволлар асосида профессор А.Раззоков билан суҳбатда бўлди.

— Домла, бир фурсатга бизни ўз талабга деб билинг. Иқтисодий бўҳронлар таъсиридан гоҳ у, гоҳ бу мамлакатни таназзул вируслари ўз домига тортаётган бир пайтда тарих зарваракларига кунни кечани қайд этилган мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти ичра табора обрў қозониб бораётганини кўпчилик чет эллик олимлар жуда юксак баҳолашаётди. Ваҳоланки, биз ўз ютуқларимизни шунчаки, илк қадамлар дега камтарона баҳоламоқдамиз.

— Нима демократиянингизни тушундим. Дарҳақиқат, истибоддод кўсинлари елкамиздан улқитиб ташлангандан буён ўтган 8 йил ичида оламшумул ўзгаришлар юз берди. Халқ ўз йўлбошчиси томонидан таклиф қилинган ва оғишмай амалга оширилётган ислохотларнинг самарасидан баҳраманд бўла бошладим. Лоқал кўчаларимизда юрган улқовларга бир қаранг — тенг ярми ўзимизда — Асакада завод конвейерларидан чиққан, зукко ўзбек йигит-қизларининг ҳаётбахш нафаси уфуриб турган машиналар: «Тико», «Дамас», «Нексия». Истиклолгача велосипед гилдираги ҳам четдан

нинг ўрталаридан бошлаб рўй берган ўзгаришлар натижасида (саноат инқилоби) илмий жиҳатдан асосланган янги фикрлар пайдо бўлди.

Бугун Ўзбекистон танлаган йўл мазмун-моҳиятига кўра ривожланган мамлакатларда таркиб топган иқтисодий муносабатлардан бир мунча фаркланади, албатта. Аввалбошданок ислохотлар ислохотлар учун эмас, инсонлар учун, деган шиорга риоя қилинаётган

оқсоқоллар пайгамбаримиқс Муҳаммад алайҳи васалламга учрашиб, бозордаги нарх-наволарни пайсатиришга фатво бердишларини ва шу йўл билан аҳоли аҳолини яхшилашга имкон яратишнинг сўрайдилар. Албатта, уларнинг нияти эзгу ва улар ўз ниятларини пайгамбар кучи (обрўи) билан амалга ошироқчи эдилар. Бироқ улар бозорнинг ўз қонунлари борлигини ва уни бузиш

шига қараб нарх-наво ҳам пасайиб боради ва муътадиллашади ёки аксинча.

— **Ўтган давр мобайнида иқтисодий ривожланиш мезонлари анча такомиллашди. Улар асосан нималардан иборат?**

— Иқтисодий бўйича Нобель мукофоти лауреати Поль Самуэльсон фикрича, иқтисодий тараққиёт машиниса мамлакатлар бой ёки кам-

лар қанча.

Шундан кейин ҳам инсон омилнинг устуворлигини тан олмай кўринг-чи! Буни Умар Хайём ўз рубойида аjoyиб тарзда ифодалаган:

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз, Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам биз. Тўғарак жаҳонни узук деб билсак, Шаксиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.

Хисоб-китобларга қараганда, барча табиий бойликларимиз 3,3 триллион АҚШ долларига тенг. Энг муҳими, бизнинг илмга чанқок, забардаст, меҳнатқаш, тадбиркор халқимиз бор. Аҳолининг ярмини ташкил этувчи ёшлар йигирма биринчи асрда бу тараққиётни таъминлашга қодир, чунки улар таълим соҳасидаги ислохотлар туфайли жаҳон андозаларига жавоб бера олувчи билим ва малакаларга эга бўлмоқдалар. Албатта, бу соҳада ҳали кўп иш қилиниши керак, лекин бунинг ҳаммаси маълум вақт талаб этади, холос, йўл эса ниҳоятда тўғридир.

Буни кунни кеча давлатимиз раҳбари расмий ташриф билан Жанубий Кореяда бўлган чоғида етакчи корейс ишбилармонлари, таниқли сийёсий арбоблар билдирган фикр-мулоҳазалардан билса бўлади. Улар Ўзбекистоннинг табиий захиралари ва инсоний салоҳиятига гоъят юқори баҳо бердилар. Тараққиётнинг бу муҳим икки омилнинг ёнма-ён келиши мамлакат истиқболни нақадар порлоқ эканлигидан бир башоратдир. Хозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистоннинг келажагини жуда қисқа фурсатда қолоқликдан илғор мамлакат мақомига эришган Малайзия, Сингапур ва албатта Жанубий Корея билан бир сафга қўйилаётганлиги бежиз эмас.

Шулардан хулоса қилиб, айтиш мумкинки, йигирма биринчи аср Ўзбекистон асри бўлади.

— **Бу назарий хулосалар республикамиз иқтисодиётига қай даражада таъсир кўрсатмоқда? Умуман, иқтисодчи олим сифатида мамлакатимиз истиқболлини қандай тасаввур этасиз?**

— Шурки, иқтисодий ривожланиш учун юртимизда барча шароитлар мавжуд.

Суҳбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ.

XXI АСР - ЎЗБЕКИСТОН АСРИ БЎЛАДИ

Чунки тараққиёт мурвати ўз қўлимизда

лиги, ўтиш жараёнида табиий равишда юзга келиши мумкин бўлган ҳар хил қийинчиликлардан камдаромад ва ноҳор оилаларни ижтимоий ҳимоялаш йўлга қўйилганлиги туфайли иқтисодини бозор муносабатларига йўналтиришни илтиёр этган бошқа давлатларга қараганда Ўзбекистон барча говлардан нисбатан осон ўтмоқда. Муҳими, одамлар руҳи тетик, ютуқлар ҳам шунга яраша бўлаётди.

— **Нарх-наво ни мўтадиллаштириш йўллари ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Нарх-наво ни эҳтиёж белгилайди. Бирор нарсанинг баҳоси талаб ва таклиф асосида вужудга келади. Эркин рақобат туфайли бу баҳолар, яъни нарх-наво маълум даражада сақланади.

Тарихдан шундай воқеа маълум. Қуллардан бир кун бозорларда нарх-наво ошиб кетганлигидан ташвишга тушган

мумкин эмаслигини ҳисобга олмагандилар. Шунда пайгамбаримизнинг бозор қонунларини яхши билишлари намойён бўлади. У зот «агар бозорда баҳолар юқоридан фатво, буйруқ йўли билан пасайтирилса, бу мувозанат бузилишига олиб келади, натижада маҳсулотлар ширин соҳилари ва барибир нарх-наво ошиб кетади» деб жавоб берадилар ҳамда бозордаги баҳоларга аралашув яхшиликка олиб келмаслигини тушунтирадilar. Фақат нон баҳосини маълум нархда сақлаб туришни илтимос қилиш мумкин эканлигини айтдилар.

Бағаллигидан қатъи назар «тўрт гилдирак» асосида ҳаракат келади. Бу тўрт гилдирак ёхуд омирлар куйидагилардан иборат:

1) Инсоний имкониятлар (меҳнат таклифи, таълим, интизом, рағбат); 2) Табиий ресурслар (ер, минерал қазилма бойликлар, айниқса ёқилғи, атроф-муҳит, об-ҳаво сифати); 3) Капитал (машина, инфра-тузилма, фабрика-завод, йўл); 4) Технология (фан, муҳандислик санъати, бошқариш, тадбиркорлик ва бошқалар).

Касаба уюшмалари ва йиғим-терим



МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР

Ёгин-сочинли қунлар яқинлашмоқда. Буни яхши тушунган деҳқонларимиз терим суръатини бир дам бўшаштиришмаяпти. Улар шу қунларда Вазирхон Маҳкамасининг пахта ҳосилини йиғиштириб олиш борасидаги махсус қарори шарофати билан ҳақиқий моддий манфаатдорликни ҳис қилмоқдалар.

Суратларда: Норин туманидаги «Жўжабод» жамоа ҳўжалиги бригадири Мунисхон Умрзоқова «оқ олтин» баракасидан мамнун; Бўка туманидаги Барот Умиров номидаги жамоа ҳўжалиги теримчилари.

Б.ҲАМРОКУЛОВ ва Ҳ.АВВАЛОВ олган суратлар.

Теримда 550 нафар талаба иштирок этапти. Қизгин дамларда бир кунда уртача 20 тонна пахта терилди.

Штаб бошлиқлари Султонали Акбаралиев, Абдурафиқ Ҳикматовларнинг айтишларича, талабаларнинг ҳар бири кунига ўртача 80 килограммдан

МЕХАНИЗАТОР ДАРОМАДИ

Козокбой Шукруллаев бошчилик қилаётган бригада далаларини кўздан кечираётганимизда, Пскент туманидаги Аҳмад Дўстбеков номида жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси Ҳазраткул Нуров келиб қолди.

— Бу машиналарнинг шунчалик тоза теришини ўз кўзинг билан кўрмагунча ишонгинг келмайди, — деди раис. — Машиналар кунига 30 тоннагача хирмон яратапти. Бу кунига 100 килограммдан пахта терадиган 300 нафар теримчи, ёки ҳар кун 5 тоннадан терадиган бта ўзимизнинг терим машинамиз бажарадиган иш. Хозир бориб, марказлашган паркдан яна иккитасини сўрайман. Шу машиналар унуми сабабли бу йил ҳашарчи олмасдан, кунига 5-6 фоиз пахта термоқдамиз. Бунинг устига терган пахталарини асосан биринчи навларга қабул қилинмоқда. Бу мўмай даромад демакдир.

Бундан ташқари, ўз ихтиёрлари билан теримга чиқишган теримчилар ҳар беш кунлик якунида 10-15 минг сўмдан пул олмақдалар. Булар Озода Ёдгорова, Жамила Каримова, Ҳикоят Раҳматиллаева, Шарбат Дадаева, Муҳаббат Аҳмедова каби ўнлаб чеварлардир. Бошқача айтганда, ҳар беш кунда теримчиларга 4 миллион сўм атрофида пул тарқатилаяпти.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ҳўжалик бу йил 124 миллион сўмлик пахта сотади. Шундан 4 миллион 20 минг сўми соф фойда ҳисобланади.

Бугунги кунда Кўчқор Умаров, Акмал Файзиёв, Козокбой Шукруллаевлар бошлиқ бригадалар далаларида мўл ҳосил етиштирилгани ҳаммани қувонтираяпти. Энг муҳими, одамларнинг кайфияти, яхши натижаларга ишончи мустаҳкам. Янги уруғлик етиштирилган далаларда ҳам одамларнинг ёз бўйи тер тукиб қилган меҳнатлари яхши самара бераётганини амалда исботланмоқда. Шунинг учун Озод Раимов ва Саъдулла Баҳромовлар бу йил «Меҳр» уруғлик гўзани парварши қилдилар. Режа 150 фоиз қилиб бажарилди. 209 тонна уруғлик чигит етиштирилиб, икки миллион сўм қўшимча даромад қилинди.

Хуллас, ҳўжалик далаларида етиштирилган ҳосилнинг давлат буюртмасида белгиланганидан бир мунча кўп эканлиги ҳаммининг ғайратига-ғайрат қўшмоқда.

Темур ХАЙДАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

Фарғона шаҳар тиббиёт билим юрти талабалари кўндан буён Фарғона туманидаги Бобур номида жамоа ҳўжалиги деҳқонларига пахта йиғим-теримида яқиндан ёрдам бериб келадилар. Бу йил улар пахтакорлар ҳузурига ҳар галигидан кўра эрта отланишди.

Теримда барчага ибрат бўлмоқдалар.

— Ҳашарчи ёшларга қулай шарт-шароитлар яратилиб, улар озиқ-овқат

ШАРОИТ СОЗ, КАЙФИЯТ АЪЛО!

пахта теришмаяпти. Гулчехра Асқарова, Феруза Расулова, Гулбахор Асқарова, Севара Усмонова, Нафиса Абдураҳмонова каби талабалар маҳсулотлари билан таъминланган, — дейди билим юрти касаба уюшма кўмитаси раиси Ҳайдарали Эгамбердиев. — Улар сифатли тайёрланаётган иссиқ-овқатлардан мамнун. Ётоқхона ва ошхоналарда тозаликка жиддий эътибор қаратилган. Теримдан қайтган ёшларнинг кўнглили ҳордиқ чиқаришлари учун турли маданий тадбирлар уюштириляпти. Илғор теримчилар рағбатлантириляпти. Ҳар 5 кунда уларнинг иш ҳақлари ҳисоб-китоб қилиняпти.

Раҳимжон ХОМИДОВ, «Ишонч» муҳбири.

МЕХАНИЗАТОР ДАРОМАДИ

— Бу машиналарнинг шунчалик тоза теришини ўз кўзинг билан кўрмагунча ишонгинг келмайди, — деди раис. — Машиналар кунига 30 тоннагача хирмон яратапти. Бу кунига 100 килограммдан пахта терадиган 300 нафар теримчи, ёки ҳар кун 5 тоннадан терадиган бта ўзимизнинг терим машинамиз бажарадиган иш. Хозир бориб, марказлашган паркдан яна иккитасини сўрайман. Шу машиналар унуми сабабли бу йил ҳашарчи олмасдан, кунига 5-6 фоиз пахта термоқдамиз. Бунинг устига терган пахталарини асосан биринчи навларга қабул қилинмоқда. Бу мўмай даромад демакдир.

Бундан ташқари, ўз ихтиёрлари билан теримга чиқишган теримчилар ҳар беш кунлик якунида 10-15 минг сўмдан пул олмақдалар. Булар Озода Ёдгорова, Жамила Каримова, Ҳикоят Раҳматиллаева, Шарбат Дадаева, Муҳаббат Аҳмедова каби ўнлаб чеварлардир. Бошқача айтганда, ҳар беш кунда теримчиларга 4 миллион сўм атрофида пул тарқатилаяпти.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ҳўжалик бу йил 124 миллион сўмлик пахта сотади. Шундан 4 миллион 20 минг сўми соф фойда ҳисобланади.

Бугунги кунда Кўчқор Умаров, Акмал Файзиёв, Козокбой Шукруллаевлар бошлиқ бригадалар далаларида мўл ҳосил етиштирилгани ҳаммани қувонтираяпти. Энг муҳими, одамларнинг кайфияти, яхши натижаларга ишончи мустаҳкам. Янги уруғлик етиштирилган далаларда ҳам одамларнинг ёз бўйи тер тукиб қилган меҳнатлари яхши самара бераётганини амалда исботланмоқда. Шунинг учун Озод Раимов ва Саъдулла Баҳромовлар бу йил «Меҳр» уруғлик гўзани парварши қилдилар. Режа 150 фоиз қилиб бажарилди. 209 тонна уруғлик чигит етиштирилиб, икки миллион сўм қўшимча даромад қилинди.

Хуллас, ҳўжалик далаларида етиштирилган ҳосилнинг давлат буюртмасида белгиланганидан бир мунча кўп эканлиги ҳаммининг ғайратига-ғайрат қўшмоқда.

Темур ХАЙДАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

ШИЙПОНДА

дан «Энг намунали дала шийпони» курик танлови ўтказилганди. Ушбу тадбир туфайли вилоятнинг ҳамма ерида кенг миқёсда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ўнлаб шийпонлар жиҳоз-лар билан таъминланди. Маданий-оқартув ишларига эътибор кучайтирилди. Танлов якунига кўра ҳўжалик аъзоларининг иккинчи уйга айлантирилган Пешку туманидаги Й.Эргашев номида жамоа ҳўжалигининг 10-бригадасига қарашли дала шийпони «Энг намунали дала шийпони» деб топилди. Мазкур бригада аҳли шу тариқа вилоят кўмитасининг Фахрий ёрлиги ҳамда бош совринни кўлга киритди.

Хозир кўплаб дала шийпонлари пахтакорлар учун ҳақиқий дам олиш масканига айланган. Бу ерларда тушликка иссиқ овқат тайёрлаш, дам олувчилар учун кўчама савдо, тиббий хизмат кўрсатиш, турли маданий тадбирлар ўтказишга эътибор бериляпти. Бу борада Вобкент туманидаги «Зарафшон», Гиждувон туманидаги С.Айний номи, Жондор туманидаги «Зарафшон», Бухоро туманидаги «Ўзбекистон», Ромитан туманидаги «Нурафшон», Қорақўл туманидаги «Бухоро», Шофиркон туманидаги Ф.Ҳўжаев номида жамоа ҳўжаликларига қарашли дала шийпонларида олиб бориляётган ишларни ибрат қилиб кўрсатса бўлади.

Усмонов НАВРЎЗ, «Ишонч» муҳбири.

ЯНГИ АЛОҚА ИНШОТЛАРИ

Ўзбекистонда янги алоқа иншоотларини бунёд этиш борасида катта ютуқлар кўлга киритилмоқда. Бу соҳада хорижий мамлакатлар томонидан бериляётган амалий ёрдамни ҳам мамнуният билан айтиб ўтиш жоиздир.

Япониянинг «Мицуи» фирмаси, Фудзикара корпорациясининг кўрсатаётган ҳиммати туфайли қатор алоқа йўллари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Япония ҳукуматининг иқтисодий ҳамкорлик бўйича ОЕСФ жамғармаси кредити асосида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари айниқса салмоқли бўлди. Ушбу лойиҳа асосида Япония томони Ўзбекистонга катта миқдорда кредит ажратди.

Бу маблағ ҳисобида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, республикамизнинг яна қатор ҳудудларида янги алоқа иншоотларини қуришга эришилди.

Шаҳар ва туман марказларида рақамли телефон станцияларидан 70 таси қурилди. Қучли рақамли шаҳарлараро телефон станциялари, шаҳарлараро оптик толали магистраллар бунёд этилди. Тўртқўл - Урганч, Ангрэн - Фарғона - Наманган - Андижон, Самарқанд - Қарши йўналишларида қурилган рақамли, радиорелели линияларнинг умумий узунлиги 650 километрдан ошиб кетди.

Айни вақтда жойларда телефон-телеграф хизмати йўлга қўйиш ҳамда телевизион ва радиодостурларни кенг узатиш учун пухта техник замин yaratилди. Эндиликда арши - Термиз йўналишида рақамли, радиорелели линиялар қурилиши давом этмоқда.

ОЕСФ лойиҳаси бўйича амалга оширилган бу каби муҳим ишлар ўз ижобий самарасини берди. Шу муносабат билан Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини тараққиёт этириш ва ривожлантиришга бағишлаб анжуман ўтказилди. Унда Япония жамғармаси, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги вакиллари сўзга чиқиб, ўзбек-япон ҳамкорлигини янада мустақамлаш тўғрисида гапирдилар.

ОТАХОНЛАР ҲИММАТИ

Ер шўрлиги, сизот сувларнинг бемавруд кўтарилиб кетиши мўл ҳосил яратишга жиддий тўсиқ бўлди. Минг азобда далаларда ҳосил етиштирилди. Уни саранжомлашга ҳам гоҳ-гоҳида кўл калталиқ қилиб қоляпти.

Ана шундай масъулиятли далага кекса қўлқуварлар белига этак тутдилар. 36 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари далага йўл олишди. Тумanning «Гулистон» деҳқон-фермерлар бирлашмасида ёшлар билан баҳс бойлашиб пахта тераётган нурунийлар ҳузурда бўлди.

— Қирқ йилдан ошиқ далада ишладим, — дейди Абдулло ота Умаров. — Ўн йил ҳўжаликнинг пахтачилик бўлимини бошқардим. Гапнинг очиги, мирзачўллик деҳқонларнинг шаштини ернинг ўта шўрланиб кетгани қайтараяпти. Бир центнер ҳосил етиштириш учун илгаригидан икки-уч баробар кўп куч сарфлашга тўғри келяпти. Шундай қийинчилик билан ҳосил тўпланди. Шундай бўлгач, биз - қариялар уйда қандай кўл қовуштириб ўтирмамиз. Далага чиқиб ёмон бўлмадик. Ҳар беш кунда 2-2,5 минг сўмдан пул олиб турибмиз.

Виждон амри билан далага чиққан қарияларнинг ҳар бири кунига 35-40 килодан пахта тераётган экан. Сувон Ҳакимов, Бобомурод Яхшибоев, Аҳмад Пардаев, Назар Ҳазраткулов, Барот Мемедов каби фахрийлар алоҳида намуна кўрсатишмоқда.

Усмонов НАВРЎЗ, «Ишонч» муҳбири.

1999-йили - Аёллар йили

Республикада хизмат кўрсатган артист, «Тоҳир ва Зухра», «Фаргона кизи» фильмларида жозибали образлар яратган Юлдуз Ризаевани ҳаргал учратганимизда: «Сизга минг раҳмат! Ўз ролларингиз билан ўзбек кизининг табиий гўзаллигини, ёрига, элига чин садоқатини оламга машҳур этгани!» - дейман Фахр билан.

Уйларида, телекамера ёнида, киностудияда бўлган кизини суҳбатлар, савол-жавоблар чоғида эса кўпроқ устоз Наби Ганиев ижоди билан, унинг шох асарини «Тоҳир ва Зухра»нинг суратга олиниш жараёни билан боғлиқ хотиралар жонланади.

ЗУХРАДЕК ГЎЗАЛ, ДИЛБАРДЕК САМИМИЙ

— Ўн олтидан эндигина ўн еттига қадам кўйган, ижрочилик маҳорати нима эканлигини билмайдиган кизга, яъни менга Зухра образини яратишни топшириш учун режиссёр ўз имкониятларига ҳам, танлаган ижрочисига ҳам ишонгани керак эди. Кўп актрисалар, ҳаваскорлар орасидан бирини танлашда Наби ака ҳеч қандай «сыйлов»га йўл қўймаганлар. Ўзлари танлаган актёрларни эса юқори идоралар, студия олдига ҳамisha ҳимоя қила олганлар.

Бу асарда рол ўйнашни хоҳлаганлар кўп бўлган. Аслини олганда бу табиий ҳол ҳамдир. Чунки, афсонани ҳамма яхши билган, унинг асосида қўйилган сахна асарини барча қайта-қайта кўрган. Ҳатто, болалар кўчаларда «Тоҳир ва Зухра»нинг уйинларини ўйнаб юрганлар. Бундан ташқари, фильм устида «Насриддин Бухорода» яратилишида режиссёр ва рол ижрочиси, маслаҳатчи сифатида иштирок этган Наби Ганиевнинг ўз режиссини айтиб кўпчиликини қизиқтириб қўйган эди.

— Сиздек ҳаваскорларни фильм қаҳрамонлари ҳолатига олиб кирадиган қандай қандай кечган?

— Аввало, ўзлари суратга олиш майдончасига пухта тайёргарлик кўриб келардилар. Бирор марта кўлларида сценарийни кўрмаганман. Ҳар биримиз камера рўпарасида айтишимиз лозим бўлган матнни ёддан билардилар. Биздан

эса фақат тўғри талаффузига эришган, Эскизни катта ижодий гуруҳ тасдиқлаганидан кейингина либослар тикилган. Аҳамият берган бўлсангиз, Зухранинг кийимида орқича жимжимдорлик йўқ. Тақинчок тақинчок Наби ака қарши эдилар. «Ёшликнинг ўзи

да айтиб берад эдиларки, ҳаммамиз махлиб бўлиб, ҳар бир сўзнинг маъини қақишга, унинг моҳиятини англашга интилардик. Моҳир ҳикоянавис бўлган Наби Ганиев шу йўл билан бизни қаҳрамон ҳолатига олиб кирардилар.

— Ташиқ кўринишга, ижрочилик техникасига аҳамият берилмаганми? Афсонанинг сирли, шоирона руҳи билан бирга қаҳрамонларнинг ташиқ гўзаллиги таърифидан ҳам завқ оламанми-ку!

— Либослар танланишига жиддий эътибор берилган. Афзал нимча, қўйлак, жияк, тиллақош - буларнинг барчаси эскизда чизилган. Неча метр газмол олиш керакми, қайси рангда бўлиши (гарчанд, фильм оқ ва қора тусда олинган бўлса ҳам) аниқ

қўзал-ку, нима қиласиз тақинчок тақиб», деб қойишган вақтлари ҳам бўлган. Ижро техникасини аслида образ, қаҳрамоннинг ҳолати, характери белгилаб беради. Шундай таъсирчан ҳолатга биз ёшлиқларнинг киришимиз анча оғир бўларди. Афсона айтиб беришлар ҳам таъсир этмаган чоғларда фронтдаги дадамни эслатардилар: «Сени шу либосда, Зухра ҳолатида дадан кўрсатди, севинчидан йиғлаб юборарди, қизим» деганларидан кўзимдан ёш чиқиб кетганини ҳам билмай қўлардим. Шунда дарҳол суратга олишарди...

«Фаргона кизи» фильмида эса менинг қаҳрамоним - механизатор Дилбар мотоцикл минини сценарийда батафсил ёзилган. Шу боис, мен мотоцикл


лугба бориб ўқиганман, кўп машқ қилганман. На-тижа ёмон бўлмаган. Фаргонанинг қишлоқларида янги мотоциклини миниб юрган чоғларим кўп бўлган. Буни қарангки, фильм экранга чиққанидан кейин мени спорт жағиятлари мусобақаларга таклиф қилишган. Ҳа, 1947 йили, чамаси, мотоцикл минган ўзбек кизи яқка ўзим бўлганман.

Юлдуз опа мумтоз санъаткорлар билан ҳамкорликда ишлаб, ўзбек киносининг дурдоналари бўлган «Тоҳир ва Зухра», «Насриддин саргузаштлари», «Сен етим эмассан» каби фильмларнинг яратилишида ўз хиссасини қўшди. Кино эса унинг келажигини белгилаб берди. У неча ўн йилликлар давомида киностудияда актриса, муҳаррир, дубляж устаси сифатида фаолият кўрсатди.

Едингизда бўлса, «Бир қизни учратдим» тожик фильмидаги бош ролга Юлдуз Ризаева овоз берган эди. Юлдуз опанинг соҳир овози ҳозир ҳам экран орқали бизга етиб келмоқда. Ўзига хос бу овозини эшитганимизда Зухранинг гўзаллигини, Дилбарнинг самимиётини дилдан ҳис қилиб тураман.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР МАҚБАРА



Мустақил Ўзбекистонимизнинг фаалу камоли, истиқлол меваларини биз бугун ҳар бир кунимизда, ҳар бир қадамимизда англаб яшамоқдамиз. Айниқса, кейинги йилларда юртимиз бўйлаб амалга оширилаётган ишларнинг энг эзгуларидан бири ана шу юрт, ана шу миллатнинг буюк маънавиятини оламга таратган аждоқларимиз руҳининг шод этилаётганлиги, уларнинг бебаҳо меросларининг қадр топаётганлигидир.

Термиз шаҳрида буюк бобоқалонимиз Ал Ҳаким Ат Термизий мақбарасида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди. Бу ишда термизлик ва бошқа кўли гул меъморларнинг хиссаси катта бўлди. Улар қисқа давр мобайнида барча бунёдкорлик ишларини уюшқоқлик билан олиб бордилар.

Ҳозир табаррук жойда зиёратчилар ҳар доимидан ҳам гавжум. Зеро, мустақиллик туфайли биз жаҳонга, жаҳон бизга интилаётган бир даврда кўна тарих силсиласидан буюк аждоқларимиз тарихини ўрганиш, уларнинг номларини тиклаш, энг савобли ишдир.

Суратда: Термиз шаҳридаги Ал Ҳаким Ат Термизий мақбарасининг қайта таъмирлаш ишларидан кейинги кўриниши.

И.ХУҲАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Бугун Термизда миллий кураш бўйича «Ўзбекистон Президенти соврини» учун II Халқаро турнир бошланади

АЛИНИНГ МАЙДОНИДА МАРДЛАР КУРАШАР

Мамлакатимизнинг жануби бўлган Сурхон воҳасида йил бошида Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича IV Халқаро турнир ўтказилган эди. Орадан олти ой муҳлат ўтиб, «Алломиш» дostonининг 1000 йиллиги муносабати билан яна, аниқроқ, 22-23 октябр кунлари «Алломиш» ўйингоҳида «Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини» учун миллий кураш бўйича II Халқаро турнир бошланади.

Бу йилги II Халқаро турнирда 30 га яқин мамлакатдан оғир вазн тоифасидаги полвонлар иштирок этишади. Улар орасида машҳур полвонлардан монғолиялик Бодманамбу Боотэрдене, канадалик Биопарлант Брент Мехсвел, япониялик Хиройоше Каминато, эронлик Маъсуд Ҳасрави, қозоғистонлик Достон

Кейинги йилнинг ёзида жаҳон аҳлининг нигоҳи Олимпиада ўйинлари ўтказиладиган Сидней шаҳрига қаратилади.

Ташкилотчилардан бири, австралияликларнинг расмий вакили Майкл Найтнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2000 йил Олимпиада ўйинларига 8,2 миллионга яқин меҳмонлар ташриф буюриши кутилмоқда. Тўрт миллионлик аҳолига эга Сидней, ушбу микдордаги туристлар ва муҳлисларни қандай қабул қила олиши ноаниқ бўлиб турибди. Шу муносабат билан ҳозирдан Нейт шаҳардаги тартибларга айрим «ўзгартиришлар» киритишни таклиф эт-

моқда. Хусусан, у шаҳар метросини Олимпиада ўйинлари вақтида узлуқсиз иш тартибига ўтиши, марказий кўчалар автотранспорт учун ёпилиб, фақат педдалар қатнови учун очик бў-

лиши таклифи билан чиқмоқда. Бундан ташқари, автотранспортларни қўйиш учун махсус жойлар ташкил этилиши, супермаркет, дўконлар, овқатланш жойлари ҳар кун соат 23.00 га ча фаолият кўрсатишини ҳам таклиф қилган.

СИДНЕЙ: 2000 ЙИЛ ОЛИМПИДАСИ ҚАНДАЙ КЕЧАДИ?

Сидней марказида бир неча улкан телеэкранлар ўрнатилиб, улар орқали барча ўйинлар тўғрисида тўғри эфирга узатилиб, муҳлислар учун муалламанган режали ва тезкор

эълонлар ҳам маълум қилинади. Шунингдек, Сидней порти бўйлаб жойлашган машҳур «променадари» ҳам қайта таъмирлаш ишлари кўзд тутилган. Сиднейнинг кўрки - Харбор Бридж кўприги ва Опера биносига пиёдаларнинг

ўтиш йўли кенгайтирилади. Олимпиада вақтида катта муаммолар туғилиб, барчамизга қийин бўлиши ҳозирдан аён бўлади. Лекин Олимпиада бу фақат муаммолар эмас, тўрт йилда бир марта бўладиган бутун жаҳон байрамидир. Бизнинг вазифамиз, муаммоларни бартараф этиб, байрам кайфиятини кучайтиришдир, - деди Найт. — Австралия ташкилий қўмитаси Олимпиада мобайнида Сидней аҳолиси ишончлиги билан бориш ва қайтишда қийинчилик туғилмаслиги учун иш вақтини қисқартириш ёки ўзгартириш иш вақтини жорий этилишини таклиф этмоқда.

«Туркистон-пресс»

САҲОВАТ САЛМОҒИ

Ривоят

Бир савдогар ўз савдо растаси томон ўтиб кетаётганда, тиламчига дуч келди. Тиламчи савдогардан қалт-қалт титраб, пойафзали ниҳоятда юпун, йиртик-ямалоқ эди. Савдогарнинг раҳми келди-да, жомадонидан яп-янги иссиқ этик олиб, унга узатди. Табиийки, бу саховатдан боши осмонга етган тиламчи ўрнидан туриб, савдогарни узоқ дуо қилди.

Савдогар билан тиламчи ўртасидаги бу муносабатни мулоҳиза қилганда бир мўсафид кузатаётган эди. У савдогар йиғит яқинлашиши билан салом-алиқдан сўнг шундай деди:

— Одамни улуғлайдиган, уни жаннатга йўллайдиган фазилатлардан энг олийси - хайр-эҳсондир. Тиламчига этик инъом қилганингиз улуғ савобдир. Бироқ, ўғлим, хийматни охирига етказмадингиз-ку. Бу эътирозни эшитган савдогар хайрон бўлди: — Нимаси кам бўлди, ота-хон? Пайпоқ ҳам беришим керакми? — Йўқ, ўғлим. Раҳмат айтмадингиз, демокчиман. — Ие, раҳматни тиламчи айтмасдан, мен айтишим керакми? Мендан қичим бўлди, унга эса кирим. Демак, у манфаат қурди, мен эмас. — Ўғлим, - босиқлик билан деди мўсафид, биров бир ночорга, ўн тангаллик нарса садақа қилса, шу зарга тибик, бунинг эвазига фаритшалар унинг ҳисобига ўша садақанинг етти баробаринда барақа ёзиб қўядилар. Сизга ҳам шундай қилди. Бунинг устига ўша садақанинг учун охирагининг ошоби қилади-кин анчагина савоб ҳам ёзилди. Ана энди йўлаб кўринг, хайр-эҳсондан кўпроқ ким манфаат қурди? Савдогар йиғит орқага қайтиб, тиламчига садақани қабул қилгани учун раҳмат айтди. Йиғит йўлида мамнун

давом этаркан, мўсафид уни яна тўхтади: — Саховатингиз ниҳоясида яна бир камчилик қолди, ўғлим. Савдогар хайрон бўлди. — Энди дуога қўл очиб, Оллоҳга шўқрона келтиринг. Бунинг зарурати шундаки, муҳтожларга хайр-эҳсон қилиш зарурлигини англаб етмоқ учун Оллоҳ сизга ақл ато қилган, боз устига садақа бериш имконини ҳам яратиб қўйган. Бу, Оллоҳнинг ҳар қанча шўқронага муносиб марҳаматидир. Йиғит шу ерда ўтириб, Оллоҳга шўқроналик билдирди ва мўсафидга қараб деди: — Сизнинг насиҳатингиз мен анови тиламчига берган этикча нисбатан минг бора улуғворроқ, қимматроқ бўлди, отахон. Илоҳ, сизга ҳам бир жаҳон савоблар ёзилган бўлсин. Омин!

Муҳаммадҷон АБДУКАРИМОВ, тайёрлади.

ТАМАКИ ТАРИХИДАН

1494 йилнинг 22 ноябрида бир гуруҳ испанлар Кубага келишган эди. Бу ерда улар қизиқ бир ҳодисани кўриб ҳайрон қолишган. Оролининг маҳаллий халқи оғиз-бурунларидан пага-пага кўм-кўк тутун чиқариб алақандай гиёҳ чекишарди. Бу - тамаки эди. Тамаки қитъада дастлабки марта XVI асрнинг биринчи ярмида пайдо

бўлган. Европаликлардан энг олдин тамаки чека бошлаган киши испаниялик Родриго Де Гиере эди. У узоқ сафари вақтида тамаки чекишга ўрганиб, ўз ватанига келганда ҳам уни хумори тутта бошлаган ва баъзан уйдагилардан яшириб чекадиган бўлган.

Кўнларнинг бирида унинг хотини эрининг оғзи бурнидан тутун чиқётганини кўриб қайғи учган-да, «Эрим муқаррар жинни бўлибди» деб полицияга хабар қилган. Лекин юрт амалдорлари кашанда «ғуноҳи»ни биринчи марта афв этишган.

БУЛУТНИНГ СИРИ

Булут таркибида сув жуда кам бўлади. Бир кубометр булутда кўпи билан бир неча граммча сув бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, бир кубометр булут суолирилса, бир неча граммгина сув тушади. Уртача ёғатган қор бунга қараганда ўнлаб марта кўп сув беради. Бинобарин, булут шундай бир ўзига хос қорхонаки, атмосферага кўтарилаётган ҳаво оқимлари булутни шу ерда намга тўйинтиради.

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш тизимида бошқаруви тақомиллаштириш йўлида тадбиркорлик билан иш олиб борилмоқда. Аҳолига табиий хизмат кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ҳам давр талабидан келиб чиқиб, назорат инспекцияси зиммасига қатор вазифаларни юкляди. Инспекция қўзғатиладиган ишонч телефони (133-45-06) хизмати йўлга қўйилганлиги нур устига аҳоли нур бўлди.

Табиий ёрдам кўрсатиш маданияти ва савиясини оширишга қаратилган бу тадбир шаҳар аҳолисини мамнун этди. Фўқаролар ана шу ишонч телефони орқали муурожаат қилиб, ўзларини қизиқтираётган масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришлари мумкин. Бу эса жойларда издан чиққан тартибсизликларни йўлга қўйиш имконини ҳам беради.

ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Машҳур «Битлз» гуруҳининг собик қўшиқчиси Пол Маккартни ўзини мусавирликда ҳам синаб кўрди. Яқинда у яратган асарлар кўргазмаси Германиянинг Шиген шаҳрида бўлиб ўтди. Бу асарлар инглиз матбуоти томонидан ижобий баҳоланди. Одатда «Битлз»нинг академик мусика соҳасидаги фикрларига бироз танқид билан

Фаройиб олам ФИРИБГАР

Германиянинг Росток шаҳри полицияси меҳмонхонадан қочган қалтакесакни излашга сафарбар қилди. Бу улкан қалтакесакни озодликка унинг эгаси қўйиб юборган эди. Меҳмонхона ҳақини тўлаш учун қалтакесак соҳибини чўнтагида нақд пул қолмаган, у меҳмонхона маъмуриятига гаров тариқасида ўз жониворини қолдири-

Шини айтади. Маъмурият бундай «ғаройиб» валюта олишдан бош тортади. Шунда газабланган миждо семимли жониворини полга ташлайди-да ғойиб бўлади. Кўп ўтмай жонивор эгасининг ортидан ғойиб бўлди. Шундан сўнг полиция қақирлиди. Маҳлуқ эгаси пул учун кетди деган тахмин билан меҳмонхона маъмурияти полициядан қолдирилган «гаров»ни излаб топишни илтимос қилди. Бу ноб ҳайвон меҳмонхонанинг бошқа миждола-рига ҳам кўришиб, уларни-

н ўтакасини ёриши мумкинлигини ҳам ҳисобга олишиди. Бироқ, орадан бир ҳафта ўтса-да, на гаровга қолдирган миждодан, на-да қалтакесакдан бирор хабар топишди. Полициянинг фикрига кўра, улар шу тариқа яшашга ўрганган фарибгарлар. Бундан ҳайвон ҳам муастасно эмас. Айни пайтда бу икки фарибгар бошқа бир меҳмонхонани ҳам худди шундай ижадга олган бўлиши мумкин, деган тахмин ҳам полицияда йўқ эмас.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЙМОВ Тахир қайъати: Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латинов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиков.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида бошланди. Ёғинчи А-2. Ҳажми 2 босма табақ, Сотушда эркин нархда. «Шарқ нашриёт»-матбаа концерни босмаҳонаси, Қорқона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 22.00